

## THE IMPORTANCE OF SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION OF STUDENTS THROUGH SUFISM

**Hamroev Suhrob Rahmatovich,**

Bukhara State University, 2nd degree master's degree in pedagogical theory and history

**Saidova Dildora Rahmatovna,**

She is a teacher of chemistry and biology at the 31st comprehensive school in Shafirkan district.

It is well-known that the noble ideas put forward in the teachings of Sufism have been invaluable in leading mankind to great heights and in all respects. Before agreeing on a subject of mysticism, it is necessary to come to a clear conclusion about what "mysticism" is. There are about two hundred definitions of Sufism in various literatures, including psychological, social, and life. Sufism is also called futuvvat. From the first century onwards, almost all poets and writers of the East were inspired by him. In order to get a clear idea of the teachings of Sufism, the famous scholar J. E

## ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ ВОСИТАСИДА ТАЛАБАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ҳамроев Суҳроб Раҳматович,**

Бухоро давлат университети педагогика назарияси ва тарихи мутахассислиги 2-босқич магистранти

**Саидова Дилдора Раҳматовна,**

Шофиркон туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактаби кимё, биология фанлари ўқитувчиси.

Маълумки, тасаввуф таълимотида илгари сурилган эзгу ғоялар инсониятни юксак марраларга йўналтириб, ҳар томонлама камол топишига бекиёс хизмат қилиб келаётир. Тасаввуфга доир бир мавзу тўғрисида яқдил фикр билдиришдан аввал “тасаввуф” нима эканлиги ҳақида аниф бир тўхтама келишга келиш даркор. Тасаввуфнинг руҳий-психологик, ижтимоий, ҳаёт билан боғлиқ икки юзга яқин таърифни турли адабиётларда учратиш мумкин. Тасаввуф футувват деб ҳам аталади. Ўн биринчи асрдан бошлаб Шарқнинг деярли ҳамма шоир ва ёзувчилари ундан илҳомланиб ижод қилишган. Тасаввуф таълимоти тўғрисида ёрқин тасаввур пайдо қилиш учун атоқли олим Й. Э. Бертелснинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишни лозим деб топдим: "Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қилиш қийин". Футувват замон ва макон жиҳатидан теран илдиз отган ва кенг ёйилган, асрлар бўйи такомилда давом этган, десак хато бўлмайди. Шунинг учун тасаввуфни бутун минтақалардаги кўриниши ҳамда том маъноси билан яхлит таърифлаб бўлмайди. Бинобарин, минтақа-минтақага ажратиб тадқиқ этиш лузумоти ҳам бордир. Масалан, Шимолий Африканинг тасаввуфий қарашлари ва тушунчалари билан Ўрта Осиёнинг, Онадўли билан Ироқ, Миср тасаввуфий қарашлари орасида фарқлар мавжуд. Болқон, Жазоир, Яман ва Тунисдаги кўринишлари орасида ҳам тафовутлар кўзга ташланади.

Шайх Маҳмуд Асъад Жўшон шундай дейди: Мен бу таърифлар шундай хулоса чиқардим: “Тасаввуф – бир томондан маърифатуллоҳни, бошқа тарафдан эса тазкияи нафс (нафс поклиги)ни ўргатадиган ва шу йўлдаги ҳаракатларни ифодаладиган, уларни англадиган ва бу ҳолатларга эришиш учун нима қилиш кераклигини тушунтирадиган бир илм” деган бўлардим. Яна бошқа бир ифода билан айтганда эса, “тасаввуф Аллоҳнинг қулини, қулнинг эса Аллоҳни севиш йўллариини тушунтирадиган бир илмдир”. Тасаввуф Исломиий илмларнинг энг шарафлисидир. Бу илмнинг шарафи, унинг ичидаги мавзусининг шарафи билан музайяндир. Модомики, тасаввуфнинг мақсади, мавзуси маърифатуллоҳ – Аллоҳни билмак-танимақ экан, ўз-ўзидан бу ҳолда “тасаввуф ашрафи улуми исломиядир”. Яъни Исломиий илмларнинг энг шарафлисидир. Тасаввуф манбаини Эрон, Юнон ёки бўлмаса Ҳиндистондан қидириш, уни христианликдан ўтган воқеалар кабидек

кўрсатиш ҳақиқатга тўғри келмайди. У – Ислоннинг ички ривожланиши, рухий ҳаётни англашидан юзага келган илмдир.

Тасаввуфни ташқаридан қидириш ва асарларда ифодалаш ва тушунтиришда зўракилик юзага келади. Инсон тасаввуфни унинг ичига кирган вақтида кўради ва феълан-амалан яшагандагина тушунади. Китобда ёзилганларни қандай англаш лозимлигини ҳам ана ўшанда тушунади. Хулоса қиладиган бўлсак, Ислон дини ўзининг табиий ривожланишида бўлган, табиий ҳолда ёйилган ва турли оқимлар ҳолида яшаган ва ўсган. Тасаввуф шундай бир ҳаёт ичида пайдо бўлиб, майдонга чиққан. Яъни, “илк мусулмонлар ҳеч нарса билмас эдилар. Эрон билан танишганларида, у ерда бир ҳодисани кўриб унга тақлид қилдилар”, – деб айта олмаимиз. Чунки мусулмоннинг мақсад ва тушунчаси ташқаридан бир нарса олиш эмас эди. Бу кундаги ҳақиқий мусулмоннинг ҳолати ҳам шундайдир. Бугунги чин мусулмон ташқаридан тақлид йўли билан на шакл олишни, на фикр олишни ва на ишонч олишни хоҳлайди. Чунки, у бошқа нарсаларнинг бегона эканлигини билади. Ўзини ўз манбалари ичида камолга етказишни афзал кўради. Мутафаккирларимиз асарларида ҳам шу нарса кўзга ташланади. Бу ишнинг ҳақиқий вакиллари тасаввуфнинг Шариати шариф аҳкомларидан зарра қадар ташқарида эмаслигини, суннатларнигина эмас, ҳаттоки одобни тарк этганида ҳам кўп нарсалар йўқотишини билар эдилар. Суннатга ва одобга риоя этишни қаттиқ тавсия этардилар. Нажмиддин Комилов шундай дейди: Кўпроқ ман тасаввуфнинг илмий-фалсафий жиҳатларини ўрганганман-да. Ман китобларимда ўша тавҳиднинг ғояси чуқурлиги, ислон билан, шариат билан тасаввуф орасидаги муносабат, тасаввуфнинг тарихи, тарихий ривожланиши ҳақида ўрганганман. Мана шу масалаларда ман жавоб беришим мумкин. Умуман олганда, агар тасаввуфни ислон билан алоқасини кўрадиган бўлсак, энди бунда турли хил қарашлар бор. Масалан, илгари пайтда ҳам, ҳозир ҳам тасаввуф бу-ислом ҳодисаси эмас, бу-бидъат деган қарашлар бўлган. 12 асрда Ибн Таймия деган, бошқа тарафдорлари ва ҳозирги мана ваҳобийлар ҳам тасаввуфни хуш кўрмайдилар. Ва моликия мазҳабига алоқадор одамларда, Мисрда чоп этилган баъзи китобларда, Дамашқда чоп этилган баъзи китобларда тасаввуфни, жумладан нақшбандияни танқид қилиш ва ўша валийлик масаласи, хилватда ўтириш масаласи ва шунга ўхшаган масалалар, ундан кейин ортиқча ўзини қийноқларга солиш, зикр ва ҳоказолар танқид қилиниб келинади. Яқинда "Нақшбандия" деган бир китобни ўқидим, Миср олимларидан бири ёзган экан, араб тилидан таржима қилиб ўқидик. Унда ҳам ўша эски гаплар, демак, "нақшбандия" баҳонасида тасаввуфнинг ҳамма жиҳатларини танқид қилишга уринган. Тасаввуфни ислонга қарама-қарши кўядилар, бу тўғри эмас. Чунки, сўфийларнинг бирортаси ҳам, тасаввуфни асослаган сўфийлар шариатга қарши чиққан эмас. Балки, шу шариатнинг ичида риёзатни кучайтиришни тавсия этганлар. Ва валийлик ҳам аслида шу набийликнинг давоми сифатида олиб қаралади ва "Фақирлик- манинг фаҳрим" деган ҳадисга асосланган ҳолда тасаввуф Пайғамбар ҳадисларининг давоми, у киши йўлининг давоми, ҳолатларининг давоми, агар шариат у кишининг сўзларини амалга ошириш бўлса, тариқат у кишининг ҳолатларининг давоми, деб қаралади. Қисқача қилиб айтганда, мана шуларни ман китобларда ўрганганман ва буларни тасаввуф ҳақидаги тўғри фикрлар деб биламан. Нақшбанд ҳазратларига келганда, бу кишини танқид қилиш жуда нотўғри, чунки у киши тариқатда хилватга қарши бўлганлар, яъни "хилват дар анжуман" дегани, бу одамлар орасида дунё ишлари билан банд бўлиб, кўнглинг Оллоҳ билан бўлсин ва қўлинг иш билан бўлсин деган тасаввуфда янги бир ўша дунёвийлик билан илоҳийликни кўшиш, меҳнат қилиб ҳам, раҳбарлик қилиб ҳам, бошқа касб билан шуғулланиб ҳам сўфийлик ақидаларига риоя қилиш мумкин, қалбни поклаш мумкин, валийлик даражасига етиш мумкин деган ажойиб бир ғояларни тарғиб қилганлар. Лекин, шу нарса ҳам ўша тасаввуфга рўйхушлик билан қарамайдиган одамларга ёқмайди. Энди бу нотўғри танқидлар. Тасаввуф бу баҳслардан юқорироқ кўтарилиши керак-да. Жалолиддин Румий бўладими, Азизиддин Насафий бўладими, Бистомий бўладими, Жунайд ал-Бағдодий бўладими, кейин Нақшбандми, Куброми, қайси бўлса ҳам, мақсад битта инсонни поклаш. Ва инсонни камол топтириш. Уни ахлоқини поклаш эса, Оллоҳга яқинлашиш билан бўлади деган ғоя бор. Бу ғоя тасаввуфнинг мағзини ташкил қилади. Энди буни ўша даражага етган одамлар, ўзларини бошларидан ўтказган одамларнинг китоблари, тазкираларини ўқиганда тушуниш мумкин. Энди иккинчи саволга келганда, ман ҳам эшитганман, шу ҳалиги, Ўзбекистон ёки Тожикистон, Қирғизистоннинг баъзи жойларида тасаввуфнинг кўпроқ нақшбандия аъёнларини қайта тиклашга

Ўхшаганми, шу ҳозирги тариқатларни давом эттириш маъносида амал қилаётган одамлар бор экан, ўзини "Пир" деб эълон қилган кишилар бор экан. Ман уларнинг бирортаси билан учрашганим йўқ, кўрганим йўқ, лекин бир нарсани билиш керакки, тариқат ўзни бағишлаш, бу ўша боя айтган гапдай, дунёдан бутунлай воз кечиш, тарки дунё қилиш ёки шу пирга сиғиниш эмас-да. Бу тасаввуф пирга сиғиниш эмас-да, балки пирни мураббий деб билиб, пир орқали Оллоҳга етишиш деган гап. Бу ердаги ҳозир пирга қараб ҳатто сажда қилиш, уни мактаб деб билиш, пайғамбар ўрнига қўйиш каби сиғинишлар бор, бу-нотўғри, бирор мақсадга тўғри келмайди. Айниқса, Ислом шариати мақсадига тўғри келмайди. Ва умуман, бекорчилик, фақат назри-ниёз билан кун кўриш ва шунга ўрганиб қолиш дангасаликни талаб қиладики, бизнинг барча нималаримиз, масалан, Жалолиддин Румийнинг "аввал касб қилган, кейин Худога таянгин" деган байтлари бор. Ва Бедил ҳазратлари ҳам, ўша таваккулни нотўғри тушунадиган, дангаса бўлиб, ётиб олган одамларни масхаралаб шеърлар ёзган. Инсон меҳнат билан, инсон касб билан, билим билан инсон. Нима илм бўлса, нима фан бўлса, ўрганиш керак. Чунки, буларнинг бариси-Худонинг илми, биз қанчалик техника-технологияни ўзимиз яратганимиз билан, барибир булар Худонинг илми. Физикани қанча чуқур ўргансак, Оллоҳнинг қудратига шунча ишонамиз. Шунинг учун, буни қандайдир ўзини кўрсатиш, ман фалончанинг муридман, биз Худонинг йўлидамиз деган иддао билан қилинадиган ишларни мутафаккирларимиз қаттиқ танқид қилган. Нақшбандийни ҳақиқатдан давом эттирмоқчи бўлсангиз Нақшбандни тўғри тушуниб, унинг асарларини тўғри талқин қилган ҳолда, унинг йўлини тўғри давом эттириш керак ва замонавийлаштириш керак. Ҳамма гап шунда.

Фалсафа фанлари номзоди Жаъфар Холмуминов шундай дейди: Марказий Осиёдаги фалсафий фикр тараққиётини ислом фалсафасининг икки асосий рукни – калом фалсафаси (теология) ва тасаввуф таълимоти таркибидаги ирфон фалсафаси(теософия)дан холи ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, ўн икки асрлик тарихга эга бўлган тасаввуф фалсафаси ва адабиёти Шарқ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё минтақаси халқларининг маданий-маънавий ҳаётида чуқур из қолдирган. Гап шундаки, VIII асрнинг биринчи яримида асосан ажамий, яъни, ғайриараб бўлган халқларнинг вакиллари томонидан (масалан: Ҳабиб Ажамий, Иброҳим Адҳам (вафоти: хижрий-қамарий 161 йил), Шақиқ бин Иброҳим Балхий (вафоти: хижрий-қамарий 174 йил), Фузайл бин Аёз (вафоти: хижрий-қамарий 187 йил), Маъруф Кархий (вафоти: хижрийқамарий 200 йил), Аҳмад Хизравайх Балхий (вафоти: хижрий-қамарий 240 йил), Яҳё бин Муъоз Розий (вафоти: хижрий-қамарий 258 йил), Боязид Бистомий (вафоти: хижрий-қамарий 261 йил), Аҳмад бин Осим Антокий, Абу Ҳафс Ҳаддод Нишопурий...) ижтимоий ҳаракат сифатида вужудга келган ва хонақоҳий-амалий тус олган тасаввуф таълимоти IX асрнинг ибтидосига келиб, ўзига хос илмий-назарий пойдеворга эга бўлди. Тасаввуфнинг илмийназарий пойдеворини яратган кишилар ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросон заминидан чиққан шахслар эдилар. Жумладан, "Ҳакимия" ирфоний мактабининг асочиси Ҳаким ат-Термизий (820/830-909), Бухоро тасаввуфшунослик мактабининг намояндалари – Абубакр Калободий ва Мустамлий Бухорий (X аср) тасаввуф таълимотининг буюк назариётчилари эдилар. Ҳатто тасаввуф таълимотининг кейинги даврлардаги буюк назариётчиси, 500 га яқин асар ёзган ва "Шайх ул-акбар", яъни "Улуғ шайх" номи билан машҳур бўлган андалусиялик мутафаккир ва шоир Муҳйиддин ибн ал-Арабий (1165-1240) ҳам уларнинг илмий-назарий қарашларидан сарчашма олган ва таъсирланган экан. Агар Мовароуннаҳр заминидан, айниқса, бугунги Ўзбекистон ҳудудида кейинги даврларда шаклланган тасаввуф тариқатлари – Кубравия (Шайх Нажмиддин Кубро), Хожагон (Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний), Яссавия (Хожа Аҳмад Яссавий) Нақшбандия (Хожа Баҳоуддин Нақшбанд) каби тасаввуф фалсафаси ва умуман, ислом тафаккури тарихида чуқур из қолдирган диний-фалсафий таълимотлар ҳисобга олинса, буюк аждодларимизнинг ушбу тафаккур тарзининг ривожига қўшган ҳиссаси нечоғлик эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.